

THE PROBLEM OF HUMAN EDUCATION AND MORALITY IN FOLKLORE

Khaitov Hamza Ahmadovich, (Ph.D)

Docent, f. f. d

Azimova Gulmira Zokirovna

Master student Bukhara State Pedagogical Institute

ARTICLE INFO.

Key words:

seed farming, Bactria, Khorezm,
 Sugdiyona, Margiyona, Parthia and
 Parkana, Sakas, Massagets,
 Sugdians, Khorezmians, Bokhtars,
 Chochilians, Parkanians,
 Achaemenids, Hepthalites,
 Sasanians, Herodotus, Socrates,
 Plutarch, Poliene, etc.

Annotation

In this article, a scientific-theoretical analysis of the issues of education and the problems of manners and ethics in examples of folk oral creativity is made based on specific examples.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Хозирги ўзбек халқининг аждодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган булиб, улар юксак ва узига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаккатли йулни босиб утган. Дастребки тош куролларидан тирикчилик учун фойдаланиш, анча такомиллашган меҳнат куролларини ясаш, ургучилик даврига келиб, хужалик хаёти ва маданий тараккиётда эришилган ютукларни уз ичига олган давргача булган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадими маданиятга эга булганлигидан далолатберади.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бактрия, Хоразм, Сугдиёна, Маргиёна, Парфия хамда Паркана каби давлатларида турли кабила ва элатлар яшаган. Улар саклар, массагетлар, сугдиёналар, хоразмийлар, бохтарлар, чочликлар, парканаликлар каби кабила ва уруглардан иборат булиб, хозирги Марказий Осиё худудида яшовчи халкларнинг аждодлари хисобланадилар. Ушбу элатлар яшаган худудларда узига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Масалан, эрамиздан олдинги асрнинг биринчи ярмида қадими давлатлар: Бактрия ва Сугдиёна, Маргиёна, Хоразм, Паркана, Парфия каби улкаларда халк хужалигининг турли соҳаларида ривожланиш ва тараккиёт руй берган. Эрамиздан олдинги IX-VI асрларда пайдо булган Ахмонийлар, эрамиздан аввалги III аср урталарида ташкил топган Грек-Бақтрия, эрамизнинг I асрида ташкил топган Кушонлар, эрамизнинг V асрда юзага келган Эфталитлар, сунгра Сосонийлар ва ниҳоят Турк хоконлиги давлатларида ижтимоий маданият юксала борди.

Аждоларимиз томонидан кулга киритилган қадими маданияти таркибидан таълим-тарбияга оид мероси хам алоҳида урин олган. Зеро, хозирги туркий ва форсийзабон халкларнинг бизгача етиб келган мухим археологик топилмалари, тарихчилар, адабиёт ва санъат намояндадарининг ижодий мероси, санъат ва адабий асарларнинг намуналари бунинг далилидир.

Бундай мухим манбалар сирасига юонон олимлари Геродот, Сукрот, Плутарх, Полиэнларнинг тарихий, географик хамда ахлокий асарлари, алломаларимиз Абу Райхон Беруний, Махмуд Кошгари, файласуф, шаркшунос ва тарихчи олимлар: Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов, В.В.Брагинский, И.М.Муминов, Б.Гафуров, И.В.Стеблева, А.О.Маковельский, Й. Жумабоев, М.Исхоков, адабиётшунослар А.Каюмов, Н. Маллаев, Н.Рахмонов, педагог-олимлар У.Алеуов, М.Орифий ва бошкалар томонидан олиб борилган тадқикотлар киради.

Энг кадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган. Туркий ва форсийзабон халкларнинг хаёт кечириш санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борликка амалий муносабатда булишнинг намунаси тарзида эътироф этилган маънавий маданият ёдгорликлари кадимги грек тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География” хамда Махмуд Кошгариининг “Девону лугатит-турк” каби асарлари, шунингдек, Урхун-Енисей битиклари каби адабий-тарихий манбаларда сакланган ва улар оркали бизгача етиб келган. Ушбу ёдгорликлар моҳиятини урганиш инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият кай даражада катта роль уйнаганлигидан далолат беради. Хусусан, тарбия инсоннинг аклий ва ахлокий жихатдан таркиб топа боришига таъсир этган булса, инсоннинг шакллана бориши хам уз навбатида кишилик жамиятининг карор топа боришига ёрдам берган. Хуллас, тафаккур юрита олиш кобилиятига эга булган инсон камолотининг таъминланиш жараёни хамда жамиятнинг ижтимоий тараккиёти узаро узвий алокада шаклланган. Мазкур тарихий жараён моҳиятини билиш бизга инсон тафаккурининг жуда узок давр ва мураккаб шароитларда шакллана борганлигидан далолат беради.

Маълумки, кишилик жамиятининг вужудга келиши жараёнида инсон хам биологик жихатдан, хам ижтимоий жихатдан такомиллашиб борган. Дастребаки диний эътиқодлар, энг оддий ихтиrolарнинг такомиллашиб бориши каби холатлар инсон онгининг хам шаклланишиб туртки булди. Бу жараён минглаб йилларни ўз ичига олган бўлиб, ана шу даврда инсон онги шаклланишининг асоси сифатида кабул килинган хулк-одоб коидалари, ижтимоий талаблар юзага келган. Ушбу талаблар муайян даврда яратилган ёдгорликларининг асосий мазмуни ва моҳиятини ташкил этади.

Энг кадимги кишиларга хос булган хислатлар, уларнинг дастребаки, оддий истаклари, орзу-умидлари кадимги эпосларда акс этган афсонавий образлар хамда қаҳрамонлар киёфасида уз ифодасини топган. Рухга сигиниш (онимизм), аждодлар рухига сигиниш (тотемизм), сехргарлик каби диний эътиқодлар ва маросимлар ёритилган афсона ва ривоятларда энг кадимий аждодларимизнинг тафаккур дунёси акс этган. Аммо бу ривоят ва афсоналар хам массажет, сак, хоразмий, сугд хамда парфиянлар яшаган даврлар рухини ифода этади, холос.

Эрамиздан олдинги минг йиллик урталарида оромий, Александр Македонский истилосидан сунг эса юонон, шунингдек, форсий миҳҳат ёзувлари хам маълум вактларда кулланилиб келган. Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик урталарига келиб, оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Сугд, Кушон, Рун (Урхун-Енисей), уйгар ва башка ёзувлар пайдо булади ва таълимтарбиянинг ривожланишида мухим ахамият касб этади.

Ана шу даврга келиб, ибтидоий жамоа булиб яшаш анъанаси аста-секин ривожлана борди, жаҳон маданиятида инмоният тарихида мухим ахамиятга эга булган қашфиётлар яратилди. Хитойда когознинг ихтиро этилиши, Хиндистонда хисоблаш, унлик сонлар тизимининг пайдо булиши, Месопотамияда ер куррасининг градусларга, суткани соатларга, минут ва секундларга булишнинг уйлаб топилиши, Марказий Осиёда Урта денгиз билан Хиндистонни узаро бoggловчи карвон йулининг вужудга келиши, кейинчалик Хитойдан Марказий Осиё оркали Урта денгизга “Буюк ипак йули”нинг очилиши каби воеалар мазкур худудларда яшовчи халклар маданиятининг ривожланиши ва ёзувнинг таркалишига сабаб булади.

Демак, эрамизнинг бошларида хозирги Марказий Осиё худудида биз юкорида санаб утган оромий, юонон ва форсий миххат алифбоси асосида шаклланган Хоразм, Сугд, Бактрия ёзувлари кулланилган.

Эрамиздан олдин тахминан 484(480)–431(425) йилларда яшаган юонон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” китобида кадимги форслар, саклар, массагетларнинг таълим-тарбия тарзига оид мухим маълумотлар берилган. “Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир”, - дейди олим. Шунга кура улар купрок угил болалардан фаҳрланганлар. Подшоҳ хам кимнинг угли куп булса, унга ҳар йили совга-саломлар юборган. Бундан ташкари болаларнинг ёшига хам эътибор беришган. Угил болаларни беш ёшдан йигирма ёшигача фактат уч нарсага: отда юриш, камондан отиш, тугри сузликка ургатилган. Болани беш ёшгача отасига курсатмаганлар, у аёллар тарбиясида булган. Мабодо угил бола вафот этса, отасининг кайтурмаслиги учун шундай килганлар.

Ўғиллар хеч качон ота-онасига нисбатан хурматсизлик килмаганлар. Улар бундай холатни фактат никохсиз тугилган ёки ташландик болалардангина кутиш мумкин, деб хисоблаганлар.

Бундан ташкари, Геродот форслар учун ёлғончилик ва карздор булиш шармандалик хисобланган, дейди. Улар дарёларни мукаддас санаганлар. Шу боис дарё сувига тупурмаганлар, хатто кул ювмаганлар¹.

Геродотнинг ушбу маълумотларидан куриниб турибдики, бизнинг аждодларимиз угил фарзандларини жасоратли, уз ватанининг хакикий химоячиси, кучли ва ботир инсон этиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Йигитлар ва эркакларгина эмас, хатто аёлларнинг хам жасорат курсатганлари борасидаги фикрлар юонон файласуфлари томонидан ёзиб колдирилган. Масалан, Плутарх форс аёллари хакида гапириб, шундай воеани келтиради: подшоҳ Кир форсларни шоҳ Астиаг бошлиқ мидияликларга карши курашга отлантирганда, улар жангда маглуб буладилар. Форс жангчилари шахарга караб коча бошлайдилар. Душман уларни кувиб, шахарга бостириб киришига якин колганда, дарвозадан уларга карши аёллар чикиб келадилар ва ёқавайрон холда шовкин кутарадилар: “Эй, ноинсоф бандалар, каёкка кочмокчисизлар? Энди сиз дунёга келган жойингизга кайтиб яширина олмайсизлар-ку!” Форслар аёлларнинг бу хатти-харакатига дош бера олмай, кайтиб жангга ташланадилар ва душманни оркага чекинишга мажбур этадилар.

Бу воеага хотира сифатида Кир шундай конун таъсис этади: “Бу шахарга кайси шоҳ кадам куйса, ҳар бир аёлга биттадан олтин совга килсин”².

Юкоридаги мисоллардан куриниб турибдики, мавжуд холатлар хамда шарт-шароитнинг узи ёшларга отда юриш, камондан отиш борасидаги билимларни ургатиш, шунингдек, уларда жасурлик, тугрилик ва ботирлик хислатларини тарбиялаш лозимлигини такозо этгган. Шу боис кадимги аждодларимиз болаларни уз халкининг эрки ва юрт мустакиллигининг химоячилари этиб тарбиялаганлар.

Плутархнинг яна бир уринда кайд этишича, Александр Македонский ерли халкларга якинлашиш максадида македонияликлар билан махаллий халкларнинг урф-одатларини узаро уйгуналлашибиришга харакат килган. Шу максадда у уттиз минг болани ажратиб олиб, юонон тили ва македонияликларга хос булган ҳарбий санъат сирларини ургатишга буйрук берган. Ана шу максадни амалга оширишга жуда куп мураббийлар тайинланган. Юонон алифбосининг

¹ Геродот. История в девяти книгах (Перевод и примечания Г. А. Старановского. Под общей ред. С.А. Утченко). – Ленинград, Наука, 1972, с. 55-56.

² Плутарх. Сочинения. Перевес древнегреческого. Сост. С.Аверинцева. Вступ. статья А.Лосева. Коммент. А.Столярова. - Москва, Худ.литература, 1982, с. 404.

кейинчалик бу юртда кабул килиниши уша даврда куплаб мактаблар очилгани хамда унда ерли ахоли фарзандлари хам уқитилганидан далолат беради.

Сүғд ёзма ёдгорликлари орасида В.Б.Хен томонидан аникланган ва “Эски хатлар” номи билан юритиладиган кимматли манбалар эрамизнинг бошларида шаклланган сугд ёзуви хакида маълумот беради. Ушбу манбаларни Дунхуан шахри (Шаркий Туркистон) якинидаги савдо кишлогида яшаган сугдлик тижоратчи (савдогар)ларнинг уз она юртлари Самаркандга ёзган ва шахсий характерга эга булган хатлар³ ташкил киласди.

Император Ян Ли (615-617)нинг элчиси Вей Цзи хисоботларида хам Самарканд шахрида йулга куйилган таълим-тарбия хакидаги маълумотлар мавжуд. Самаркандинг мохир савдогарлари угил бола беш ёшга тулар экан, унга савдони ургата бошлайдилар. Укишни урганиши билан савдо ишлари хам ургатилган.

Сюань-Цзин номли бошка бир Хитой тарихчиси эса Самарканд ахолисининг ахлок ва хулк-одоб коидаларига риоя этиши бошкаларга урнак булганлигини айтиб утган. Буларнинг барчаси кадимги даврларда болаларнинг беш ёшидан уқитилгани, таълим жараёнида уларни амалий хаётга тайёрлаш асосий максад килиб белгилиги тугрисидаги маълумотларни беради.

Бу маълумотлар кадимда болалар уқитиладиган савод мактаблари булганлиги ва мактаблардан ташкари болалар махсус мураббийлар томонидан харбий-жисмоний машкларни бажара олиш ва муайян хунар сирларини узлаштириш ишига жалб этилганлигидан дарак беради.

Энг кадимги даврларда йулга куйилган таълим-тарбияга оид кимматли маълумотларни биз яна халк оғзаки ижоди намуналари: афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, кушиклар, макол ва ибораларда илгари сурилган гоялардан хам олишимиз мумкин. Чунки халк донишмандлигининг ёркин намунаси булган халк оғзаки ижодида халк педагогикасига хос булган тарбия тажрибалари умумлашган.

Ибтидоий кишиларнинг табиат ва жамият хакидаги тасаввурлари, улар томонидан амал килинган урф-одатлар, ижтимоий муносабатлари мазмуни халк оғзаки ижодининг энг кадимги жанрларидан бири булган афсоналарда ифодаланган. Афсоналарнинг қаҳрамонлари яхшиликнинг тантана килиши учун ёмонлик хамда нурнинг мукаррар мавжуд булиши учун зулмат билан кураш олиб борадилар, яхшилик ва баҳт-саодатга чулганган улкаларини яратадилар. Аксарият афсоналарнинг қаҳрамонларини инсон сифатида гавдаланган худолар ташкил этган. Ибтидоий тузум кишиларининг орзу-истаклари, уй-фикрлари, максад ва интилишларини ёритишга хизмат килган афсоналарнинг купчилиги бизга энг кадимги ёдгорликлар - “Авесто”, Абулкосим Фирдавсийнинг “Шохнома” асарлари оркали маълумdir.

Кадимги мифларда кишиларнинг табиий оғатлар ва ёвуз кучлардан сакланиш борасидаги дастлабки тасаввурлари тирик мавжудот бошига фалокат келтирувчи табиий кучларга карши мардонавор курашган инсон ва унинг хатти-харакатлари оркали ифода этилган.

Мифлар асосида яратилган афсоналарнинг қаҳрамонлари томонидан олиб борилган харакатлар қаҳрамонлик эпосларининг яратилиши учун замин хозирлаган. Қаҳрамонлик эпосларида ватанга булган мухаббат, эрк ва озодлик учун кураш, юртнинг хар бир карич ерини асрар, кадрдон кабиласининг фаровонлиги, түкин-сочинлигини таъминлаш йулида жонини фидо этиш, кабиланинг шаъни, шарафи, ори ва номуси учун курашиш туйгулари тараннум этилган. Зарина, Спаретра, Тумарис хамда Широк (Сирок)лар томонидан курсатилган юксак ватанпарварлик намуналари, Зарина ва Стриангей, Зариадр ва Одатида мухаббатлари, мардлик ва қаҳрамонлик тимсоллари булган Рустам ва Сиёвуш (Хоразм-канг эпоси)ларнинг жасоратлари тугрисида хикоя килувичи эпопеялар шулар жумласидандир. Бизгача етиб келган эпик асар (афсона ва ривоят)ларда асосан аждодларимизнинг юрт озодлиги, ватан равнаки ва кабила фаровонлиги

³Исщоов М. Сўғдиёна тарих чорращасида –Тошкент, Фан, 1990. 6-7-бетлар

йулида олиб борган курашлари уз ифодасини топган. қаҳрамонлар ватанни ва халкни севади. Ор-номусни муқаддас деб билиш, дуст ва сафдошларга садокат, бурчни юксак даражада англаш, унга содиклик, ватан ва халки учун уз жонини курбон этиш, ҳар кандай машаккатга бардош бериш, уз севги-мухаббати йулида азият кечишга тайёрлик каби инсоний туйгулар уларнинг асосий хусусиятларидир. Қаҳрамонлик эпосларида улугланган энг асосий ахлоқий хислатлари - жасурлик ва мардликдир.

Жасурлик, кучлилик ва мардлик – қадимий кишиларда таркиб топиши зарур булган энг мухим фазилатлар саналган. Тарихий шахсларнинг хаёти ва қаҳрамонликлари борасида маълумотлар берувчи ривоятлар фикримизнинг ёркин далилидир. Уларда муайян шахс фаолияти, донишмандлиги, қаҳрамонликлари, тарихий шахс эга булган ахлоқий фазилатлар: назокат, камтарлик, акл-идроқ, узгаларга мухаббат, ёрга вафо, садокат, баҳт, одиллик, одамийлик, олий химматлилик ва меҳнатсеварлик кабилар улугланган. Эпослар мазмунида баён этилишича, хотин-кизлар турли шароитларда эркаклар билан тенг шароитда фаолият курсатганлар. Улар хужалик ишлари билан чегараланиб колмай, урушларда хам жасорат курсатганлар.

References:

1. Hayitov H. A. QUSHLARGA IBRAT-HAZRATI XIZR! //Интернаука. – 2020. – №. 12-3. – С. 72-73.
2. Hayitov Hamza Ahmadovich. "SHARQ MUMTOZ ADABIYOTIDA OHANG TALQINI." *Мировая наука* 8 (2019): 3-5.
3. Hayitov Hamza Ahmadovich. "LITERARY INFLUENCE AND ARTISTIC IMAGE." *Экономика и социум* 8 (2019): 11-14.
4. Ahmadovich Hayitov Hamza. "Expression of Folklorisms in the Works of Ghafur Ghulam." *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630) 14 (2022): 101-105.
5. Хайтов, Ҳамза. "Адабиётда кулгидан фойдаланиш анъанасининг асослари." *Общество и инновации* 2.3/S (2021): 49-52.
6. Akhmadov A.A., Orziyev M.Z. The Second World War and the unopened afghan front. //Scientific reports of Bukhara State University. –2020. No. 3. –С. 243-249.
7. Ahmadjon Asror o'g'li Ahmadov Afg'oniston va Buxoro amirligi diplomatik aloqalari (XVIII-XIX asrlar)//Scientific reports of Bukhara State University. –2029. No. 2. –С. 226.
8. Аҳмадов Аҳмаджон Асрор ўғли. Бухоро амирлиги ва Афғонистон дипломатик ва элчилик алоқалари ва Россия империяси ҳуқуматининг таъсири// *Journal of Advanced Research and Stability SSN: 2181-2608* [www.<https://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/1401>](https://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/1401)
9. Каримова Ф.М. Олов магияси, кул-олов тотеми, шомонликнинг кул-оловга доир талқинлари// Таълим ва ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнал 2 (1), 227-230.
10. Каримова Ф.М. Олов культилинг этнографик хусусиятлари ҳақида// *Development and innovations in science* 1 (1), 149-154.
11. Karimova F.M. Xalq lirik qo'shiqlarida olovning ramziy-timsoliy ma'nolari//*Международный журнал искусство слова* 4 (2).